

**Journal of**  
**Natural  
science**

**No5  
2021**

**<http://natscience.jspi.uz>**



<b><u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u></b>	<b><u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u></b>
<p><b>Бош муҳаррир –</b> У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p><b>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова,</b> PhD, доц.</p> <p><b>Масъул котиб-</b> Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.</li><li>2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)</li><li>3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА</li><li>4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya</li><li>5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор</li><li>6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор</li><li>7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор</li><li>8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц</li><li>9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.</li><li>10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.</li><li>11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф</li><li>12. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>13. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.</li><li>14. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц</li><li>15. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.</li><li>16. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)</li><li>17. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц</li><li>18. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)</li><li>19. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц</li><li>20. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц</li></ol>
<p><b>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</b></p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чоракда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

“УМУРТҚАЛИЛАР ЗООЛОГИЯСИ” ФАНИНИНГ МАЗМУНИ  
ВА ЎҚИТИШНИНГ УМУМИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

*Норқузиева М.Ш. Шабанова Н.И.*

Жиззах Давлат Педагогика Институту

**Аннотация.** “Умуртқалилар зоологияси” фанини ўқитишни такомиллаштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш, ўқитиш сифатига бўлган ёндашувлар, тадқиқот муаммосининг мамлакатимизда ва хорижда ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар назарий ва илмий –педагогик жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** ахборот технологиялари, ўқув жараёни, педагог, таълим, технология.

**Аннотация.** Теоретический, научно-педагогический анализ использования инновационных технологий в совершенствовании преподавания «Зоологии позвоночных», подходов к качеству преподавания, исследования научных проблем в нашей стране и за рубежом.

**Ключевые слова:** информационные технологии, образовательный процесс, педагог, образование, технологии.

**Annotation.** Theoretical, scientific and pedagogical analysis of the use of innovative technologies in improving the teaching of "Vertebrate Zoology", approaches to the quality of teaching, the study of research problems in our country and abroad.

**Keywords:** information technology, educational process, pedagogue, education, technology.

Мустақиллик йилларидан таълим тизимини ахборотлаштириш муаммосини ҳал этишга қаратилган чора – тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий тармоқни яратиш ва дунё ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартиблаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сон Фармони қабул қилинганлигини таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон Қарори ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар дастури ҳозирги кунда муҳим ва долзарб масалалардан ҳисобланади.

Олий таълим тизимида «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»дан келиб чиқадиган вазифалар, фан, техника ва технологик тараққиётнинг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги сифатини такомиллаштириш жараёни ўртасида юзага келган қатор номувофиқлик аниқланди, уларни бартараф этишда замонавий ахборот технологияларининг етарлича жорий этилмаганлиги мавжуд муаммонинг долзарблигини кўрсатди. Аниқланган муаммоларни назарий ҳамда амалий жиҳатдан асослаш, шунингдек, олий таълим муассасаларида педагог кадрлар тайёрлаш жараёнига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, мамлакатимиз олий таълим муассасаларининг ягона ахборот-таълим порталини ҳамда у орқали ягона электрон ахборот-таълим муҳитини яратиш, замонавий ахборот технологияларини бакалаврлар касбий тайёргарлигини такомиллаштирувчи омил сифатида жорий этиш, электрон-мультимедиали ўқув-методик мажмуаларни яратиш ва уни таълим жараёнига жорий этишни ахборотлаштиришнинг жадаллашуви учун зарур педагогик шарт-шароитларни яратади.

“Умуртқалилар зоологияси” фанини ўқитишда замонавий таълим технологиялардан фойдаланишнинг зарурий шарти қуйидагилардир: биринчидан, ахборот ҳажмининг кўплиги, кенглиги ва тезда янгиланиб бораётганлиги;

иккинчидан, техника тараққиётининг тезлиги, замонавий асбоб ва анжомлар тез тараққий қилаётганлиги;

учинчидан, ўқитишнинг турли техник воситалари тараққий қилиб бормоқда;

тўртинчидан, ташқи таъсирлар, талабалар учун бунданда қизиқ телефон, интернет, ижтимоий сайтлар ва х.к.ларнинг мавжудлиги, бундай таъсирлар бугунги кун машғулотларини замон талаби даражасида ўтишни талаб қилади.

Ушбу таълим педагог ва талаба ўртасидаги ўзаро муносабат ҳамкорлик ва танлаш эркинлигига асосланиб, талабанинг кадрият сифатида эътироф этилиши учун шароит яратади. Одатда, шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг қуйидаги турлари фарқланади:

1. Модулли таълим технологиялари.
2. Муаммоли таълим технологиялари.
3. Интерфаол таълим технологиялари.

4. Индивидуал таълим технологиялари.
5. Масофавий таълим технологиялари.
6. Компьютер таълим технологиялари.
7. Ҳамкорлик таълим технологиялари.
8. Лойиҳа таълим технологиялари.
9. Дастурий таълим технологиялари.
10. Табақалаштирилган таълим технологиялари.
11. Ривожлантирувчи таълим технологиялари.
12. Ўйин технологиялари.
13. Гендер таълим технологиялари.
14. Қувватни тежовчи таълим технологиялари.

Умуртқалилар зоологияси фани машғулотида қўлланиладиган шахсга йўналтирилган таълим – талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос хусусиятлари, қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим.

**Ўқув жараёнида зоологияни амалий жиҳатдан ўргатишда баъзи муаммолар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, баъзи ҳолларда олий таълим муассасаларида зоология фанидан ўқув-лаборатория жиҳозларининг барчаси етишмайди. Бундай шароитда машғулотларни виртуал шаклда ташкил этиш ва ўтказиш зарур. Бу эса алоҳида тадқиқот ишларини олиб бориш лозимлигини кўрсатади.**

**Назорат ишлари. Олий таълим муассасаларида умуртқалилар зоологияси фанидаги назорат ишлари, талабаларнинг ўқув материални назарий ва амалий жиҳатдан ўзлаштириш натижаларини текшириш билан боғлиқ.**

**Мустақил иш.** Талабаларнинг мустақил иши индивидуал, жуфтли ёки гуруҳли бўлиши мумкин. Мустақил иш жараёнида гуруҳ талабалари орасида ўзаро ёрдам беришни ташкил этиш ўзининг ижобий томонларини кўрсатиши мавжуд тажрибалардан маълум.

Шундай қилиб, бўлажак биология таълими ўқитувчисининг технологик тайёргарлигига ихтисослашуви доирасида чуқур, технологик билимлар, малака ва кўникмаларни ўзлаштиришининг натижаси деб қараш мумкин. Ўқитувчи фаолиятининг натижаси – талабаларнинг эгаллаган билим даражасида кўринади. Булар: техник ва технологик билимлари, оддий маҳсулотни тайёрлаш бўйича фаолияти натижалари, касбий мослашувчанлик, технологик операцияларни бажариш бўйича малака ва кўникмалар, мустақил ишни ташкил этиш ва бошқа жараёнларда намоён бўлади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 20-29.
2. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури // Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 31-61.
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь // - Тошкент: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017. – б. 48.
4. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Фан, 2009. – б. 145.
5. Анварова Н.А. Касб-хунар коллежларида кимё дарсларини компьютер технологиялари асосида ўқитиш методикаси. Дис. ... канд. пед. наук. – Тошкент: Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, 2007. – б. 155.
6. Алейникова И.И., Савенков А.А. «Использование компьютерных технологий на уроках химия». Учебное пособие. - М.: Вентана. -2006. с. – 45.